



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 ноябр, шанба №172 (1186)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 ноябр куни Оксаройда Австрия Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер хонимни қабул қилди.



Таъкидламоқ керакки, икки мамлакат ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён яқин ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон билан Австрия ўртасида айниқса сиёсат, экология, хавфсизлик, маданият, таълим соҳаларида қалин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Яқинда Австрияда «ORF» телекомпанияси «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусиқа фестивали ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган кўрсатувларни намойиш этди. Австрия федерал ташқи ишлар вазирининг бу галги ташрифи чоғида эса икки мамлакат ўртасида Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргалликда курашишга қаратилган ҳужжатлар билан ҳамкорлик қабул қилинди.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА).

Истеъмомли манфаати — муқаддас

Исон саломатлиги у истеъмом қилаётган маҳсулот сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу, айниқса, нон ва нон маҳсулотларида кўзга ташланади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмомчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар ҳам айнан ушбу манфаат йўлида хизмат қилмоқда.

лаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилди. «Шифокор нон», «Файз барака» корхоналарида эса ҳозирда 40-45 турдан ортиқ неъматлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қўшимча турдаги маҳсулот-

Бугунги кунда пойтахтимизда аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида «Тошкентнон» тасарруфидаги 55 дан ортиқ нон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини муайян даражада яхшилашга эришилди.

— Аҳолидан келаётган шикоят, тақлиф ва мулоҳазаларга жиддий муносабатда бўлинаётгани ўз самарасини бермоқда, - дейди «Уюшма бош технологи Гулчехра Ҳошимова. — Хусусан, ҳозирда барча корхоналаримизда Германиянинг «VINKLER» технологияси ўрнатилди. Бу эса ўз навбатида маҳсулот сифатини белгиланган меъёрларга мос равишда ишлаб чиқаришни таъминлашга хизмат қилмоқда. Эскиларини таъмирлаб, улар тарқибига ҳорижий технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналар ташкил этилмоқдаки, бу нон турларининг ортишида ҳам кўринмоқда. Ҳозир тасарруфимиздаги нон ишлаб чиқариш корхоналарида 400 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Яқин кунлардан бошланиб экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг дебача сифатида тез кунларда Германияда ўтказилган «Яшил ҳафта-2002» халқаро кўргазмада ўз маҳсулотларимиз билан қатнашишни ният қилишимиз.

Ҳақиқатан, пойтахтимиздаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда айни дамда аҳоли дастурхонига турли хил шифобахш хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар тортқ қилинмоқда. «Богистон» ва «Ҳикматли нон» кичик корхоналарида иш-

ДАСТУРХОНИМИЗДАН НОН АРИМАСИН

лаб чиқарилаётган неъматлардан харидорлар мамнун. Қолаверса, бу ердаги саранжомлик, ишловчиларнинг озода кийимлари, хушмуомалалиги истеъмомчиларнинг дилини хушнуд этмоқда. Ходимлар ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳофазаланган. Улар вақтли наشرлардан ўқиб маданий хордик олишлари учун ҳам шароит яратилган. Бу эса иш суръатининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Корхоналар қошида ташкил этилган нон дўконларига қадам ранжида қилсангиз, мавжуд нон маҳсулотларининг қандай шифобахш хислатларига эга эканлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўласиз.

«Саховат нон» жамоаси ҳам айни кунларда маҳсулот турини янада кўпайтириш борасида бир қанча амалий ишларни амалга оширди. Тозаликка алоҳида эътибор қаратилиб, ишчиларнинг тиббий дастурхоналари ўз вақтида назорат қилиб борилмоқда. Яқинда корхона қошида макорон цехи иш бошлади. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришга имкон яратди.

«Тахтапўл нон» корхонаси 1930 йилда ташкил қилинган. Табиийки, бу ердаги жиҳозлар анча эскирган, шу боис кун тартибига янги технологияларни жорий қилиш масаласи турбди. Бу йўналишда илк қадамлар ташланди. Яқинда печенье маҳсулоти иш-

даги маҳсулоти комиссияга жўнатиш ва стерилизация қилиш учун тайёрлаб қўйилган. Ҳаммаси муваффақиятли бўлса, яқин вақт ичида корхона тўла қувват билан иш бошлайди. Бирок, унғача талайгина ишларни амалга ошириш лозим. Хусусан, ёрдамчи хўжалик иморатлари, майдончалар, йўлаклар тартибга келтирилиши керак. Ободонлаштириш ва кўкназорлаштириш юзасидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Корхона бунёд этиш, ишга туширишда Россиянинг Новороннеж шаҳридан келган мутахассислар яқиндан ёрдам беришди. Биз кадрлар масаласи қандай ҳал этилаётганлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, йил бошида икки гуруҳ йигит ва қизлар Воронеж вилоятидаги беш корхонада иш ўргандилар. Тажрибали мутахассислар, ишчилар сифатли маҳсулот тайёрлаш, технологияни моҳирлик билан бошқариш, вақтдан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашди. Ана энди Наманганнинг ўз фарзандлари бу аjoyиб корхонанинг ҳақиқий эгаси сифатида фаолият юритмоқдалар. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, қўшимча равишда 400 та иш ўрни яратилади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитойнинг Тянь Цзин шаҳри ҳокимининг ўринбосари Ванг Динанчи раҳбарлигидаги делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди.

Учрашувда Тошкент ва Тянь Цзин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Хитойлик меҳмонлар ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлини айтди. Сўхбат чоғида ҳамкорликда дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, икки ўртадаги савдо алоқаларини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу кун делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, пойтахтдаги корхона ва муассасаларда ҳам учрашувлар ўтказди.

(ЎЗА).

БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

Нуротадаги А.Баратов номидаги масъулият чекланган жамият Навоий кон металлургия комбинати ишчиларига 10 миллион сўмлик маҳсул иссиқ кийим-бош тайёрлаб берди. Навоий курилиш бошқармаси ҳамда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам жамият маҳсулотларига харидор бўлиб турибди.

Тошкент ва Марғилондаги тўқимачилик комбинатлари билан алоқамиз яхши, - дейди жамият раиси Фармон Ибодов. - Улардан хомашё олиб, кийим-кечак тайёрлаялмиз. Маҳсулотларимиз сифати хорижийликдан қолшмайди. Қишловни бошлаган чўпон-чўликларга ҳам иссиқ кийимлар тикиб бераймиз.

Корхонада айни пайтда 100 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

(ЎЗА)

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргалликда курашишга қаратилган ҳужжатлар бимим имзоланди. Ҳужжати Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Австриянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер имзоланди.

Маросимдан сўнг вазирлар оммавий

ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Австрия федерал ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги сайёҳаракатларини юқори баҳолашини айтди. Ферреро-Валднер хоним Ўзбекистон-Австрия муносабатларига ҳам тўхталиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

(ЎЗА).

ОТБ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚЧИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Осие тараққиёт банкининг (ОТБ) дастурлар департаменти директори Геерт ван дер Линден матбуот анжумани ўтказди.

Г. Линденнинг сўзларига қараганда, ОТБ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида турли соҳалар ривожига қаратилган лойиҳаларни сармоялаш бора-бора яқин ҳамкорлик қарор топган. Шу пайтга қадар ОТБ Ўзбекистондаги турли лойиҳалар ижроси учун жами 400 миллион АКШ долларидан ортиқ кредитлар ажратди. Кредитлар ўрта мактаблар учун янги дарсликлар ишлаб чиқиш, темир йўл тижими такомиллаштириш

каби муҳим соҳаларга ишлатилган.

Бундан ташқари, ОТБ Ўзбекистондаги турли ташкилот ва вазирликларга умумий қиймати 18 миллион АКШ долларига тенг грантлар ҳам тақдим этган. Келажакда бундай ҳамкорлик янада кенгайди.

Элмурод ЮНУСОВ, ЎЗА мухбири.

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА — ФИНАЛДА

Белгиянинг Гент шаҳрида ўтказилаётган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионатида финал босқичи бошланди. Мусобақада тўрт нафар ҳамюртимиз ҳам иштирок этмоқда.

Афсуски, уларнинг уч нафари - Александр Гордеева, Ильдар Валеев ва Антон Фокин кескин рақобатга дош беролмай, финал босқичига чиқа олмади. Бирок, Оксана Чусовитина таяниб сакраш ва кўпқуршда чемпионлик учун кураш олиб боради.

(ЎЗА)

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Аросат» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда Наманганда бунёд этилаётган шприц ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона курилишидаги судралиш, ўзибўларчилик оқибатлари танқид қилинган. Орадан анча вақт ўтди. Ҳўш, танқиддан қандай хулоса чиқарилди?

«Аросат» сарлавҳали мақола тегишли ташкилот ва идора мутасаддилари, курувчилар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Танқидий фикр, тақлиф-мулоҳазалар ўринли эканлиги қайд этилди. Аҳолини ўнглаш, бунёдкорлик ишларини жонлантириш, ишловчиларга қулай шароитлар яратиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланди. Курилиш материаллари таъминотида узил-кесил бўлмаслигига алоҳида эътибор берилди. Ишчи-хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг унумли ишлаб, қўнғили дам олишларини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Шундан сўнг ишловчиларда ишонч, иштиёқ пайдо бўлди. Моддий манфаатдорлик таъминланганлиги меҳнат беллашувини янада жўш урдирди.

«Ишонч» мақолалари изидан

Нихоят, кўпчилик сабрсизлик билан кутаётган онлар етиб келди. Наманган шприцларининг дастлабки намуна нусхаси синов учун тақдим этилди. Таъкидлаш жоиз, мазкур корхона вилоятнинг хориж ишбилармонлари билан ҳамкорликда бунёд этилган 78-саноат шохобчасидир. Вилоятда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида четга сотилган маҳсулотларнинг асосий қисми қўшма корхоналар ҳисобига турди келди.

Давлатобод туманида бунёд этилган бир марта қўлланиладиган шприцлар тайёрланадиган корхонанинг ишга туширилиши яна шу жиҳатдан аҳамиятлики, у вилоят иқтисодийтини юксалтиришдан ташқари, республика аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшади. Боз устига, авваллари бу нобёр нарса четдан валюта ҳисобига олиб келинарди.

Корхона цехларини айланамиз. Дастлаб эгитборимизни саранжом-сарийшталки, замонавий технология, иштиёқ билан меҳнат қилаётган йигит ва қизлар тортди. Корхона раҳбари Т.Мухсиновнинг таъкидлашича, намуна маҳсулотлар Тошкент-

ШПРИЦ НАМАНГАНДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЕТТИНЧИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабр куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 2 ноябр

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномаси ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Чекланган ва қўшимча масъу-

Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

10. «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамгаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

11. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

12. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тузиш масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисида.

13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

14. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Қаҳрамонлар орамизда

ДЕНОВЛИК
ФИДОЙИЛАР

Қадим машойихлар йўл қурган энг катта савоб соҳиб бўлади, деган эканлар. Бу сўзларнинг замирида буюк маъно бор. Зотан, текис-нотекис, қир-адир, чўл ва саҳро жойларда йўл қуришнинг ўзи бўлмайди. Меҳнат фидойилари, ғайрат-шижоат эгалари, ўз эл-юртини жондан севган кишиларгина бу касбга ошўфта бўладилар. Шунинг учун ҳам бундай одамларни ҳамма эъзозлаб «йўл қаҳрамонлари» деб атайди.


Денов тумани жўгрофий нуқтаи назардан ўзига хос минтақада жойлашган. Туман худудидан турли аҳамиятга эга бўлган йўллар ўтади. Уларни ҳамма-ҳамма сифатли сақлаш, ҳар йили меъёрига етказиб таъмирлаш йўлсозлардан ўзгача матонат талаб қилади. Ёзининг жазираларида, изгиринли қиш совуғида анналган ерга бориб, режалаштирилган тадбирларни адо этиш учун йўлсоз деб аталган инсонда ўзгача садоқат бўлиши лозим.

Ҳўш, мана шундай касб эгалари бўлган Денов йўлсозларига қандай ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу ҳақда автомобил йўллари бошқармаси бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Шавкат Жўрақулов ҳикоя қилиб берди:

— Ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари маъмурият билан бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ўз аксини топган. У 2000-2002 йиллар учун мўлжалланган, — деди у. — Энг аввало шунга айтиш керакки, ишчиларимиз ойлик-маошларини узлуксиз олиб турибдилар. Иш ҳақи ҳар бир ходимга ўртача 20-25 минг сўмданга тўғри келади. Бевосита меҳнат кунларидаги шарт-шароитлар ҳам ёмон эмас. Иш жойида кўча ётоқхоналар, ювенил жойлари, таомхоналар ташкил этилган. Улар ишдан бўш пайтларида ойнаи жаҳон томошаларини кўрадилар, матбуот нашрларини мутула қиладилар. Волейбол, футбол, шахмат-шаҳка ўйинлари ҳам уларга завқ-шавқ бағишлайди. Байрамлар ўзига хос тарзда нишонланади. Ишчиларимизга муқофотлар берилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Тўй қилмоқчи бўлган, таваллуд кунлари, пенсияга кузатилаётган кишилар ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Меҳнат таътилига чиққанлар хошига қараб «Сурхон», «Жайронхона», «Абу Али ибн Сино» санаторий-профилакторийларида бепул дам оладилар. Ҳамкасбларимиз оилаларида янги фарзанд дунёга келганда, мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўётган келин-куёвларга, уй тўйи ўтказётганларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳа, Урол Худойбердиев раҳбарлик қилаётган автомобил йўллари бошқармасида одамларга чиндан ҳам ҳавас қилгудек ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, бу ерда яхши ишлаган, яхши яшаш керак, деган таомилга амал қилинаётган. Биз экскаваторчи Жума Расулов, автогрейдерчи Мусурмон Муродов, ҳайдовчи Соатмурод Махаматражабов, ишчи Урол Ҳайдаров, булдозерчи Эргаш Холбоев қабиладан билан суҳбатлашганимизда уларнинг ўз ҳаётидан мамнун эканликларини шундоқ чекраларидан кўриниб турар эди. Хайрлашар эканмиз, улар меҳнатлари қадрланган жойда бундан кейин ҳам ўзларига билдирилган ишончнинг астойдил оқлайверишга азму-қарор қилганликларини айтдилар.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.



Сўнгги йилларда Фарғона водийсида маданий-маиший, савдо ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сезиларли даражада кўпайди. Бунда миллий юксалишга эри-

шнинг муҳим омили бўлмиш хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қувончли шуки, жойларда маънавият масалаларига ҳам ало-



ҳида эътибор қаратилмоқда.

Суратларда: (чапдан) Олтиариқ тумани марказидаги «Абдулбоқи» хусусий дорихонасида; Балиқчи тумани-

даги «Балиқчи» китоб дўкони ходимлари фаолиятидан аҳоли мамнун.

Т.ҲАМРОКУЛОВ
олган суратлар.

Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Тошкент вилояти кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма кўмитаси таркибидан 30241 нафар касабаси уюшма аъзоси бор. Шуллардан салкам ўн минг нафари хотин-қизлардир. Кўмита ўзининг йиллик иш режасига ҳамда вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан тузган жамоа шартномасига асосан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида айтишга арзирли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш йўналишидаги савий-ҳаракатлар яхши натижа бермоқда. Жумладан, болаларни соғломлаштириш учун оромгоҳларга касабаси уюшма хисобидан 4285000 сўм сарфланган бўлса, корхоналар хисобидан эса 6 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Вилоят ҳоқими соврини учун Олмалик шаҳрида ўтказилган шаҳар ва туманлар ўртасидаги «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хунарманд», «Ташаббус-2001» кўрик-танлови босқичида 55 нафар тармоқ ходими иштирок этди. Танлов ғолиблари вилоят кўмитасининг 100 минг сўмлик қимматбаҳо совғалари, диплом ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Республика Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг натижаларига кўра, «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Паркент туманидаги Саидқарим Юсупов раҳбарлигидаги «Вег-Ad» хусусий фирмаси ғолиб деб топилди. Ғолиб фирма раҳбари Президент соврини — «Нексия» автомашинаси, олтин медал ва I даражали Дипломи билан тақдирланди.

Тижорат банклари томонидан жорий йилнинг иккинчи чорагида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига 3899 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган, шу жумладан микрокредитлар миқдори 438,5 миллион сўми ташкил этади. Нобуджет фондлар томонидан умумий миқдордаги 138,4 миллион сўмлик 130 та лойиҳа молиялаштирилди.

Тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини четга олиб чиқарга ҳужжатлар тайёрлашни энгиллаштириш мақсадида Чиноз тумани товар ишлаб чиқ-

рувчилар ва тадбиркорлар палатасини ахборот-маслаҳат маркази қошида жомхона ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича деклорантлик хизмати кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Марказ ушбу фаолият билан шуғулланиш учун банк му-

ТАДБИРКОРГА
ДЕКЛОРАНТЛИК
ХИЗМАТИ

ассасасидан валюта ҳисоб рақамини очган. Мазкур марказ томонидан жорий йилнинг ўн ойи мобайнида 6000 ҳолатда 10 миллион сўмликдан ортиқ турли хизматлар кўрсатилди.

Туман ва шаҳар бирлашган касабаси уюшма кўмиталари томонидан жамоа шартномасида кўрсатилганидек ижтимоий ҳимоянинг муҳим бандлари тўла бажариб келинмоқда.

Ҳар байрамда тадбиркорлар касабаси уюшмасининг барча бўғин ташкилотлари «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Экосан» жағмаралари, маънавият-маърифат кенгашлари билан ҳамкорликда атроф-ҳудудни тартибга солиш, арик ва бошқа суғориш иншоотларини тозалаш каби ободон-

лаштириш ишлари амалга оширилди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногиронларга, ҳозирги пайтда нафақада бўлган касабаси фаолларига салкам 200 минг сўмлик ёрдам пули берилди. Маданий-оммавий тадбирларни бажариш бўйича 711,6 минг сўм, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга 127,3 минг сўм сарфланди.

Йиллик тадбирларда белгиланганидек, ёшларни ҳуқуқий онгини ошириш, уларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш каби мавзуларда туманлардаги бирлашган касабаси уюшма кўмита раисларининг уч кунлик ўқув семинари ўтказилди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида 7 нафар янги сайланган бошланғич касабаси уюшма кўмита раисининг малакалари оширилди.

Кўмита кадрлар билан ишлашга ҳам муҳим эътибор қаратмоқда. Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Куйи Чирчиқ, Оҳангарон туман бирлашган касабаси уюшма кўмиталари раислари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида йўл қўйган камчиликларини оқиб эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди. Уларнинг ўрнига тажрибали, олий маълумотли кадрлар қўйилди. Чиноз тумани бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Обид Ҳасанов Низом талбаларини тўлиқ бажармаганлиги, маданий ва маърифий соҳаларда йўл қўйган жиддий камчиликларини учун Раёсат қарори билан вазифасидан озод этилди.

Кўп нарсаси кадрларга боғлиқ. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятида билимли, ишчан раҳбарлар бош бўлган жойда ишчиларнинг манфаати кучли ҳимоя қилинади.

Ортиқ САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Яқинда Тошкент бизнес клубида «Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

БИЗНЕС -
КЛУБДА ДАВРА
СУҲБАТИ

Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Тадбиркорлар фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг хизмати беқиёс бўлиши, ишбилармонлар қатламига янада чуқурроқ кириб бориш, уларнинг ютуқ ва муаммоларини ўз вақтида ёритиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига оид қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларни мутасаддилар ёрдамида шарҳлаб бориш, хорижий тадбиркорларнинг ишларини ҳам саҳифаларда ёритиш уларга жуда ҳам ақоштиши мумкин.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячиси, маслаҳатчи айлиниб бораётганлиги ҳам эътироф этилди.

Қ.ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ИШОНЧ —
ИНСОНГА
ҚАНОТ

Сайфулло Холманов ёш бўлишига қарамай катта ҳаёт мактабининг ўтаган касабаси раиси. У Косон автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси касабаси уюшма кўмитасига раҳбарлик қилмоқда. Асосий эътиборни ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратгани боис жамоанинг барча аъзолари ойлик иш ҳақларини вақтида олиб, ишда юқори суръат ва аъло сифат бўлишини таъминламоқдалар.

— Корхонамизда 106 нафар касабаси аъзоси меҳнат қилади, — дейди С.Холманов. — Улар ҳар бирининг ўз ташвиши ва муаммолари бор. Кундалик фаолиятимизда ана шунга ўхшаш масалаларни тўла ҳал этишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Корхона ҳовлисидаги киришингиз билан саранжом-саршталикни кўриб дилингиз яйрайди. «Маънавият ва маърифат» хонасида меҳнат фахрийси Эшмамат

Тешаев сизни очик чеҳра билан қаршилайди. Столарга тартиб билан матбуот нашрлари қўйилган. Хона тўридаги жовонда эса мустақиллик йилларида юртимиз эришган муваффақиятлар, амалга оширилган улкан ишлардан ҳикоя қилувчи кўргазмалар қўраллар, Президент асарлари билан танишишингиз мумкин.

— Муваффақиятнинг асосий омили ҳамжиҳатликда, — дейди касабаси раиси. — Осойишталик, тотувлик бор жойда ишда силжиш бўлаверади. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами муносабати билан уч нафар ишчи муносиб равишда тақдирланди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида жамоа аъзоларимиз фарзандлари Яқкабоғдаги «Автомобилчи» оромгоҳида дам олдлар. Ишловчиларимиз эса «Қашқадарё соҳили», «Ботаника» санаторийларида соғлиқларини

тиклаб қайтдилар.

Корхона тасарруфидаги 96 километр халқаро, 46 километр республика, 9 километр маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар равонлиги ва автомобиллар қатновига қулайлиги билан ажралиб туради. Бунда йўлсозларнинг хизматлари катта.

Уларни ижтимоий ҳимоялаш асосий диққат-эътиборда турганлиги меҳнат унвдорлигини оширишга хизмат қилапти. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ишчи оилаларига мунтазам кўмак берилмоқда. Яқинда касабаси раиси ҳузурига ишчи Акбар Бўриев кириб, уй қурмоқчи эканлиги, бироқ қурилиш материаллари қимматлиги учун қурби етмаётганлигини баён қилганида, касабаси раиси корхона раҳбари билан маслаҳатлашиб, унга 40 донна шифер ва 1,5 тонна цемент бепул берилишига эришди. Бунгача 18 нафар кам таъминланган, 4 нафар меҳнат фахрийсининг ҳар бирига 8 минг сўмдан моддий кўмак кўрсатилганди. Демак, ҳар бир ходим мустаҳкам ижтимоий ҳимоялангани тўғрисида ишлаб чиқаришда юқори унвдорлик таъминланяпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ТУҒИЛГАН КУНДА
МОДДИЙ РАҒБАТ

Бойсун туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Бандлик масаласи ҳам доимий диққат марказида. Утган уч йил давомида жами 5000 та янги иш ўрни барпо этилди.

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида 1545 нафар киши ишга жойлаштирилди. 110 нафар киши ўз касби бўйича қайта ўқитилди ва 461 нафар кишига ишсизлик нафақаси тўланди.

Жамоа шартномаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, бандликни таъмин-

лаш, иш жойларини сақлаб қолиш ёки қайта ташкил этиш, ходимларга ижтимоий имтиёз ва қарорлар бериш каби қатор масалалар ўз аксини топган.

Чунончи, «Бойсун-Телеком» шўба корхонаси, «Бойсун-Почта», «Работ», «Бойсун», «Сайроб» қоракўччилик, «Дарбанд» ширкат ҳўжалиқлари ва бошқа бир қатор корхона, ташкилотлар жамоа шартномаларида меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлар белги-ланган.

Оналар ва болалар йили муносабати билан

«Бойсун», «Работ» ширкат ҳўжалиқларида коммунал хизмат кўрсатиш, алоқа, савдо, даволаш муассасаларида аёллар учун иш вақтинини 1 соатга қисқартирилган. «Бойсун-Кўмир» хиссадорлик жамияти, электр тармоқлари корхонасида аёллар туғилган кунларида икки ўртача ойлик маош миқдоридан пул муқофоти оляптилар.


Ҳожар КЕНЖАЕВА,
Бойсун туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.

«САРДОБА»
ТОЛАСИ —
ХОРИЖГА

Оқолтин туманидаги «Сардоба» пахта тозалаш корхонаси жамоаси 2001 йил пахта ҳосилидан тумандаги 6 ширкат, 70 га яқин фермер ҳўжалиқларидан 18 минг тонна хом ашё қабул қилиб, қайта ишлашга шартнома тузган.

Ҳозиргача 500 тоннадан зиёд тола Сингапур, Италия, Белгия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Суратда: корхона илғорлари О.Бозорбоев, Б.Асқаров, Ж.Эргашевлар.

ЙЎЛОВЧИ
ТАШИШ
ЯХШИЛАНДИ

Жаҳон банки республика миқдоридаги бешта йирик шаҳарни энг замонавий автобус ва микроавтобуслар билан таъминлаш мақсадида маблағ ажратди. Ана шу шаҳарлар орасида Наманган шаҳри ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги қарори ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2000 йил 21 октябрдаги «Наманган шаҳарида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шаҳар йўловчи ташиш транспорти бошқармаси тузилди.

— Аввало бошқармани ташкил этиш зарурати ҳақида тўхталиб ўтсак, — деди бошқарма бошлиғи Собитхон Тождидинов «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Очиғи, кейинги йилларда аҳолидан транспорт хизмати бўйича шикоятлар кўпайиб кетди. Бунинг маълум сабаблари бор. Бозор иқтисодиётига ўтиш шариоатида автотранспорт корхоналарида ҳам баъзи муаммолар вужудга келди. Мавжуд техника воситалари жисмонан эскирди, эҳтиёт қисмлари олиб келиш кескин қисқарди. Давлат корхоналарига муқобил тарзда турли шаклда фаолият кўрсатувчи кичик корхона ва фирмалар бунёдга келди. Улар эса йўлқира ҳақини хоҳлаганларича ўзлари белгилашмоқда. Бу каби муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

С.Тождидиновнинг айтишича, бошқарма ташкил этилган, шаҳар ҳокимлиги билан аҳоли транспорт хизматини ташкил этиш ва бошқариш бўйича келиши олинди. Шаҳар йўналишларида фаолият кўрсатувчи 11, 17-автобус саройлари акциядорлик жамиятлари ва шахсий йўловчи ташувчилар уюшмалари билан 13 та шартнома имзоланди. Жорий йилнинг ўзида уч марта очик тендер танловлари ўтказилди. Натижада 17 та шаҳар йўналишлари учун йўловчи ташувчилар белгиланди ва тегишли шартномалар тузилди. Йўналишларнинг янги соҳиблари шартномага кўра автоуловларнинг белгиланган миқдори бўлиши, бекатларга вақтида келиши, оралик масофани сақлаш, хизмат нархини меъёрида ушлаб туриш мажбуриятини олишган.

— Биз асосий эътиборни йўловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратдим, — дея сўзини давом эттирди бошқарма бошлиғи. — Тендер танлови, аъзолик бадаллари ва бошқа ташувчилардан йилгилан маблағнинг бир қисмини ихтиёриймига ўтказилган бош ва охириги бекатлар таъмирига ажратганмиз. Ягона чипта тизими жорий этилмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти, сифати бўйича жамоатчилик фикри ўрганилмоқда. Аниқланган камчиликлар эса ўз ўрнида бартараф этиляпти.

Меҳнаткашларга иш ҳақининг ўз вақтида тўла-ниши амалдаги қонунларимизда қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Қонун талабларини изчил амалга оширишда жойлардаги касабга уюшма ташкилотларининг ўрни ва роли каттадир. Бу ҳақда Жиззах вилоят касабга уюшмалари Кенгаши бўлими мудири Турсунбой Ниёзов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Вилоят ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касабга уюшма кенгаши раиси тармоқдаги электр тармоқлари корхонасида ходимларнинг иш ҳақидан муддатга ўтган қарздорлиги 138800 минг сўмга етганига сабабли бу қарздорликни тугатишда амалий ёрдам беришни

сўраб вилоят кенгашига мурожаат қилди. Кенгаш ўз навбатида тармоқнинг юқори идоралари — «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви ҳамда ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси билан ҳамкорликда масалани атрофлича ўрганиб, амалий ёрдам бе-

ОЙЛИК МАОШ

унинг вақтида берилиши меҳнат кишисини ижтимоий ҳимоялаш кафолатидир

ришга ошди. Биргаликдаги сай-ҳаракат туфайли 1 октябр ҳолатига 51787 минг сўмлик иш ҳақидан қарздорлик барҳам топди. Вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари касабга уюшма кўмитаси «Жиззахчўқурилиш» трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж масъуляти чекланган жамият ҳамда 12-механизациялашган кўма жамланмада муддати

ўтган иш ҳақидан қарздорлик кескин ошиб кетганлиги сабабли бу корхоналарни судга бериб, ходимларнинг 2 миллион 700 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди. Пахтакор туман нефть маҳсулотлари корхонасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ижроси юзасидан ўтказилган текширишда иш ҳақидан муддати

ўтган қарздорлик 1003429 сўм эканлиги аниқланди. Корхона раҳбарига Меҳнат кодексининг 154-161-моддалари талабини бузётгани ҳақида тақдимнома киритилди. Бундан тўғри хулоса чиқарган маъмурият раҳбарлари камчиликларни тўла-тўқис бартараф этиб, вилоят кенгашига жавоб йўллади.

ри кенгаши вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш борасида биргаликда белгиланган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириб бормоқда. Ушбу тадбирга асосан вилоятнинг 8 та туманида бўш иш ўринлари ямаркалари ўтказилиб, унда 228 та таш-

килот 1084 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Уларда 815 киши иштирок этиб, 345 нафари ишга жойлашди, 124 нафари жамоат ишларига юборилди. 93 нафари касбга тайёрлашга ўқитилган бўлди. Вилоятда янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 11085 та янги иш ўринлари яратилди. 9682 киши ишга жойлаштирилди. Улардан 4834 нафарини ёшлар ташкил этиди. 831 киши ўқишга юборилиб, 3163 кишига ишсизлик мақоми берилди, 46 киши муддатидан олдин нафақага чиқарилди.

Йил бошида қабул қилинган жамоат шартномаларида меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари алоҳида бўлиб қилиб киритилганлиги, бунга асосан меҳнат шартномаси иш бериувчидан ташаббуси билан бекор қилинганда фақат касабга уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиш каби 7-8 та муҳим бандлар киритилгани фаолиятимизда кўл келаяпти. Буларнинг барчаси меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.


ДАРЁ ЁНИДАГИ СИҲАТГОҲ

Пойтахтимиздан 50 километр нарида, шундоқкина Бўзсув дарёсининг ёнида «Товоқсой» сиҳатгоҳи жойлашган. Дарвозадан киришингиз биланок йўлнинг икки чеккасидаги баҳайбат чинорлар ва ариқдан оқаётган зилло сув диққатингизни ўзига тортади. Унинг худуди турли хил мевали ва манзарали дарахтлар билан қопланган. Ётоқхона корпуслари, ошхона ва фаввора атрофлари серфайзлигидан кўнглингиз яйраб кетади. Улар ёнидаги ўриндиқлар даволанувчилар билан гавжум.

Бу масканга ташриф буюрувчиларни Паргос темир йўл станциясида автобус кутиб олиб, оромгоҳга бепул элтиб қўяди. Дам олиб қайтаётганларга ҳам шундай қулайлик яратилган. Дастлабки кунлар аниқ ташхис қўйилгандан кейин тиббий хизматнинг парафини, шам, сув муолажаси, ўқалаш, электрофарез, ингалляция каби ўнлаб туридан фойдалана бошлайсиз. Фитобарда ҳар хил шифобахш гиёҳлардан тайёрланган чой ичиб, кинофилмлар томоша қилиш, телефон орқали республикамизнинг ўзингиз хоҳлаган шаҳар ёки қишлоғи билан боғланиб гаплашиш имконияти бор. Булардан ташқари Тошкент шаҳри, Бўстонлик туманининг диққатга сазовор жойларига сайрлар уюштирилиши, тез-тез ташкил қилинадиган маданий-оммавий ишлар иштирокчиси бўлиш дилни хушнуд қилади. З.Абляметова, Р.Соттиева, Д.Махамедова, Д.Ержонова, М.Тўғонова, Б.Сохибова каби шифокор ва ҳамширалар ўзларининг одамохунлиги, ширинсўзлиги ва малакали муолажалари билан даволанувчилар дардига малҳам бўлмоқдалар.

Янги орттирган дўстларингиз билан табиат кўйида сайр қилиш, чойхона супасида чойхўрлик қилишдан рўнҳингиз тетиклашади. Хайрлашиш кўни хоразмлик янги дўстларим — Ш. Аллоберганов, конимехлик Н.Бекмуратов сиҳатгоҳнинг мусаффо ҳавоси жуда ёққанлигини айтиб, уларни бепул йўлланма билан таъминлаган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига ўз миннатдорчилигини изҳор қилди. Сиҳатгоҳ янги бош шифокори Хикматилла Султоновнинг айтишича, келгуси йилдан бошлаб жамоанинг ўз ёрдамчи хўжалиги бўлади. Унда сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева етиштирилиб, дам олувчилар дастурхонига тортилади. Шунингдек, ҳукуматимиз қарорини бажара бориб, Оролбўйидан ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари соғлиқларини мустаҳкамлаб, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари таъминланади. — Айрим муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди у, — жумладан, икки қаватли ошхона ҳамда қозонхона қурилиши маблағ етishмаслиги сабабли охирига етказилмай қолган. Агар саховатли ҳомийлар топилиб, мадад қўлларини узатишганда эди нур устига аъло нур бўларди.

Қ.НОРИМОВ,
меҳнат фахрийси.



Азаматжон Икромов Жондор тумани марказий поликлиникасининг энг тажрибали тиш дўхтирлари



политикикасини бунёд этди. Суратларда: янги поликлиниканинг умумий кўриниши; мо-

ЧЎЛЛИКЛАРГА «ТЕЗ ЁРДАМ» КЕРАК

«Абай» ширкат хўжалигининг маркази хисобланган «Боймурод» овули Конимех тумани марказидан роппа-росса 200 километр олисликда Айдар қўли бўйида жойлашган. Бу ерда чинакам чорва фидойилари яшайди, десак асло муболага бўлмайди.

Хўжаликда бугунги кунда 80 минг бошга яқин чорва парвариш қилинмоқда. Ишлаб чиқаришда юксак ютуқлари учун хўжалик раҳбари Мустафо Эгамқулов яқинда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонига сазовор бўлди. Хўжаликда ҳар йили меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, маданий-маиший тадбирларга катта маблағ ажратилмоқда. Қишлоқ участка мас-

канига туман марказий шифохонаси томонидан берилаётган ёрдам шу куннинг талаблари даражасида эмас. Олис 5-ферма чорвадорларига хизмат кўрсатаётган шифокорларга шу кунгача ҳатто «Тез ёрдам» машинаси ҳам ажратилмаган.

Оғриқ нуқталар

— Бахтимизга яхшиям хўжалик бор, — дейди ҳамшира Қорасоч Кенжаева. — Фавқуллодда ҳолатларда ёки зарурат туғилиб қолса автотранспорт ажратишади. Яширмайман, кўп ҳолатлар-

да бу вазифа овулда-гиларнинг ўз зиммасида тушади. Беморларнинг машина ёллаб қийинчилик билан шифохонага олиб келишади. Олис чўл шароитини ҳисобга олиб машина ажратиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаётганига афсусланасан киши.

Бу ерда дори-дармонга ҳам тақчиллик сезилмоқда. Йил бошидан бери бор-йўғи 50 минг сўмликдан зиёд дори-дармон ажратилган, холос. Шунингдек, шифохонани иситишда ишлайдиган 4 нафар ёқувчига иш ҳақи тўлаш масаласи ҳам тўла ҳал этилмаган. Бунинг устига ходимлар Республика

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕРРОРНИНГ ОСИЁГА ТАЪБИРИ

Кунчиқар мамлакат - Япониядан иқтисодий муаммолар билан боғлиқ хабарлар келиши давом этмоқда. Маълум бўлишича, у ерда ишсизлик даражаси 5,3 фоизга етган, ишсизлар сони эса қарийб тўрт миллион кишини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Япония ҳукумати эълон қилган баёнотда айтилишича, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳам камайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил Японияда товар ишлаб чиқариш ҳажми 0,9 фоиз камайган. Ваҳоланки, ҳукумат вакиллари уни 1,7 фоизга юксалади, деб баъшорат қилган эди.

Шарҳловчи минбари

Япония иқтисодиёти иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир давларни бошдан кечираётган бир пайтда 11 сентябр кунини Нью-Йорк ҳамда Вашингтонда даҳшатли портлашлар юз бергани дунё иқтисодчиларини қаттиқ саросимага солиб қўйди. Энди улар нафақат Япония, балки бутун дунё иқтисодиёти орқага кетиши ҳақида жар сола бошладилар. Уларнинг айтишича, АҚШ ўзини ўнлаб олгунча бошқа давлатлар жиддий инқироз домига тушиб қолиши мумкин. Мутахассисларнинг гапида жон бор. Уч ҳафтадирки, АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий операцияси давом этмоқда. Бу эса ҳарбий соҳага йўналтирилган маблағ ҳажми орттишини аниқлатади. Бундан ташқари, террорчилик янги кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширмаслиги ва жаҳон иқтисодиётига бундан ҳам каттароқ зарар етмаслигига аниқ кафолат ҳам йўқ. Боз устига, АҚШда кўйдирги касаллиги аломатлари пайдо бўлиши XXI аср вабосига айланган террорчиликка қарши кураш ҳали бери тугамаслигидан далолат бериб турибди. Оқоридидаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчилар, АҚШнинг ҳарбий операциясидан авваламбор Осиеё мамлакатлари катта зарар кўради, деган хуло-

ЯНГИ ГУРУХ ҲУЖУМГА ТАЙЁР

АҚШ Мудофаа вазирлиги Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга тайёр бўлган янги махсус бўлинмалар сони эълон қилди. Улар яқин кунлар ичида Афғонистонга ташланади. Бу ҳақда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд ахборот берди. «Тайёргарликдан ўтган бир неча гуруҳ ҳужумга тайёр. Биз операцияларнинг бошланишини кутиб турибмиз», - деди вазир.

Шу билан биргаликда Д.Рамсфелд ўзининг Москвага қилладиган сафари ҳақида ҳам тўхталди. Ундан кейин вазир Марказий Осиеё мамлакатларига ташриф буюради. Шу орада контрадмирал Жон Стафлбим АҚШ самолётлари Афғонистоннинг йигирмага яқин туманини бомбардимон қилганлигини билдирди. Ҳаво зарбалари асосан толиблар жойлашиб олган ерлар, улар қўмондонлигининг истеҳкомлари ҳамда ерости йўлларига берилган.

Жаҳон савдо марказини «Бонинг»лар тешиб ўтганини ўз кўзи билан кўрган кўпчилик самолётга чиқмасликни афзал билмоқда. Осиеёнинг энг йирик авиакомпаниялари каторига кирувчи «Eva air» сентябр ойи давомида ўн беш фоизлик фойдадан маҳрум бўлганини эълон қилди. Бошқа авиакомпаниялардаги аҳвол ҳам шунга яқин. Япония сайёҳлик агентлари уюшмаси мамлакат иқтисодиёти 3,5 миллиард долларлик фойдадан куруқ қолишини баъшорат қилмоқда. Гонконгнинг меҳмонхона ва дам олиш масканлари эса ўзининг эллик фоиз миқозларини йўқотган. **Бобур СОБИРОВ,** ўЗА шарҳловчиси.

ХАСТАЛАР СЕНИ КЎПАЙМОҚДА

Америка касалхоналарига кўйдирги касаллиги билан ётқизилаётган хасталарнинг сони кун сайин кўпаймоқда. Канзас-Сити почта бўлимининг 200 нафар ходимидан текширув пайтида кўйдирги илатининг унсурлари топилди. Бу дард хориждан келган мактублар орқали юқтирилган, деб тахмин қилинмоқда. Вашингтонда Брентвуд почта бўлимига келган 14 бойламли юк орасида 7 мингта мактуб бўлган. Бу орада мазкур касалликдан яна икки нафар почта ходимининг вафот этганлиги аён қилинди.

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

Манама шаҳрида Форс қарб давлатлари ички ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

ИСЛОМОБОДА ФИКР АЛМАШУВ

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал-Файсал Покистонда бўлди. У президент Парвез Мушарраф ва ташқи ишлар вазири Абдусаттор билан учрашди. Ташрифдан кўзланган мақсад АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари масаласида Покистон ҳукумати вакиллари билан фикрлашиб олиш эди. Учрашувда, шунингдек, уруш оқибатларидан азият чекаётган тинч аҳолига ёрдам бериш масаласи ҳам муҳокама этилди.

ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ КЎЗЛАБ



ТБИЛИСИДА ҚАЛТИС ВАЗИЯТ

Кунини кеча Грузия парламенти биноси олдида кўп миң кишилик намоийш уюштирилди. Улар ички ишлар вазири Кахи Таргамадзе, бош прокурор Георгий Мекрашвили ҳамда президент Эдуард Шеварднадзенинг дарҳол истеъфога чиқиларини талаб қилдилар. Улар мамлакатда айни пайтда вужудга келган оғир иқтисодий вазиятга мамлакат раҳбарияти жавобгардир, деган фикрларни билдирдилар. Шунингдек, улар парламентнинг навбатдан ташқари сессиясини қаириш ва конституцияга ўзгартиришлар киритишни талаб қилдилар. Шундай вазиятда телекўрсатув орқали сўзга чиққан президент

Э.Шеварднадзе: «Бу президент ва ҳукуматга қарши сиёсий алғов-далғовдан бошқа нарса эмас. Агар парламент ўзининг факуллодда сессиясида ички ишлар вазири ва бош прокурорга ишонсизлик билдирса, истеъфога чиқаман», - деди.

Юқоридидаги воқеаларнинг эртасига парламентнинг факуллодда сессияси очилди. Унда ички ишлар вазири К.Таргамадзе истеъфога чиқишга тайёр эканлигини айтди. Президент Э.Шеварднадзе ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Парламент раиси Зураб Жвания эса раислик вазифасини зиммасидан соқит қилганлигини билдирди. Бундан кейин нималар бўлади? Бу саволга ҳозирча ҳеч ким жавоб бера олмаётир. «Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

Буни ҳаёт дейдилар

Йўлда қолган тулпорлар

Ботир билан Тошкентда, Москвада, Урганчда суҳбат курганимизда ҳамроҳим ўзи ўйнаган ролларга, ўзи ҳақида ёзилган мақолаларга аҳамият бермагандек кўринади. 1961 йилнинг ёзида нима ҳақидадир баҳслашиб ўтирсак, телеэкранда Ботир Зокиров иштирокида яратилган «Гуллар очилганда» фильми кўрсатила бошланди. У пайт эфир вақтини тайёр мақсулот — кинофильмлар эгаллашига барча ўрганиб қолган эди. Биз Комил Ерматовнинг бу филмини яна бир бор кўрайлик, Ботирнинг ашуласини эшитайлик, унинг ишқ дардига мубтало бўлган Собир исмли қахрамоннинг юриш-туришини кузатайлик, деб телевизор рўпарасидан жой олди. Ботир эса ошга уннади. Учоққа оловни ёқиб, ёғни қиздириб, сабзи-пиёзни босганида ҳам биз билан филмини кўрмади. Неча қайта айтдик. «Бирга кўрайлик, ишни кейин биргалашиб қиламиз. Мен кочегар бўламан, ўт ёқиб тутантириш қилиб тураман...» дедим. Унамади. Учоқ бошидан кетмади.

чеккани ва бу ҳаракати билан «ўзингизни уйингиздек эркин тутинг...» демоқчи бўлганини кўрганман. Айниқса ашула айтаётганида камерани ҳис этиб туришини ёқтирдим. Тингловчини қай тарзда кўриб, кузатиб ашуласини айтса, объективга ҳам шундай боқарди.

Ботир сўнгги марта сўлим Анҳор бўйида ястаниб ётган боғда ашуласини ТВ учун айтган эди. Чарм камзули, ўсиб қулқларига тушган сочлари, одми кўйлагига ўзига шундай ярашган эдики, атрафдагилар завқланардилар. Барча сукут сақлаб



нинг кенглиги, истеъдоди қанчалик серқирра эканлигини ҳисобга олиб, муҳим хулосаларга келгани ҳақида ўйлаганимда Ботир Зокиров кўз олдимда намоён бўлади. Унинг чопқир отлари, тулпорлари кўп эди. Бири мусиқа, вокал оламига, иккинчиси бадий сўз санъати томон, яна бири нафис бўёқлар ҳазинасига, тўртинчиси саҳна томон бошлар, илҳом берар эди.

Аслида эса у кинобоп актёр эди. Шуҳрат Аббосов унга икки сериялик бадий филмда Абу Райҳон Беруний ролини топширмоқчи бўлган... Имконият бўлиши билан Ботирга доғишманд Робиндранат Тагор ролини берган. «Оловли йиллар» телесериалида Б.Зокиров бу ролни ўринлатиб ўйнаган ҳам. Яна бир кинорежиссёр Э.Эшмухамедов уни «Даҳонинг ёшлиги» филмига таклиф этиб, Ибн Синонинг падари бузруквори ролини топширганди. «Эстрадани ташлаб киноартист бўлиб кетасанми...» деб риторик савол берганимда Ботир «Нимасини айтасан, ҳамма ҳазиллашадиган бўлиб қолди. Ҳозирги кинога менинг ташқи кўринишим керак, холос. Ички ҳолат билан, фикр-ўйларим билан ишлари йўқ. Масалан, «Даҳонинг ёшлиги» филмида менга рол беришганига бирдан-бир сабаб шуки, ўғлимга, яъни Ибн Синонинг ёшлигини ўйнаётган Бахтиёрга ўхшар эканман...» деб жавоб берган эди.

ТВ маъбудаси ҳам унга илҳом бераётганини билар эдик. Истиқола қиламан-у, оз бўлса-да Ботирни сўзларини келтирмасдан ўта олмаймман.

— Эфирда эркин тутасан ўзингни. ТВ фикр туғилишини, сўзда ўз ифодасини топа боришини кўрсата олиши керак, деб ўйлайман. Кўпинча қоғоздан ўқиб ёки ёдлаб олинган матнни ширриллатиб айтиб беришади. На ҳис-ҳаяжон бор, на эҳтирос. Ҳаммаси бир маромда кетаверади, - дерди.

суратта олиш дақиқаларини, аниқроғи, Ботирнинг юриш-туришини, ашуласини тинглаб, хонандага махлиё бўлиб қолган эди. Лирик ашуласини айтаётган у негидир камерадан узоқлаша бошлади, сўнгги кадрда «айр, мен кетдим» дегандек камерадан ўгирилиб зинаполярга юзланди, қадам ташлаган сари юксаклашиб, баландликка чиқаверди, кўринмай кетди...

Мангуликка юзланган экан. Бу кадрларни энди қайта-қайта кўраман-у, бир-икки сўз, жумла билан таърифлаб бўлмайди. Диган ҳис пайдо бўлади: ҳам маънос кайфият уйғонади, ҳам кишининг ўзигагина маълум бўлган, ўзгаларга англантиб бўлмайдиган яширин туйғу пайдо бўлади, ҳам Ботир Зокиров зийрак объектив ўрнида ўз дўстлари, биродарлари, маслақдошлари, мухлисларини кўриб, улар билан видолашаётгандек кўринади.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Фарзандларингизга ўқиб беринг

ҚУЁШ БИЛАН ТАТЛАШДИМ

Нурсевар юрагимдан Завқлиниб, келиб Оловдай ёниб меҳрим, Кўёш билан Эзгу нуринг таратиб, Шунча ёшга Дунёда неки бўлса, Ҳаммасини кўргансан. Очигини айта қол, Мен қанақа боламан. Қандай қилсам, Лойиқ фарзанд бўламан. Кўёш деди: чирогим, Дунё билан тенг ёшим. Ҳаётни севганимдан Юракда зўр оташим. Мен биламан Аниқ айтиб бераман. Қадим аждод-аслингни.

Республика болалар бадий ижодиёти марказига Ҳиндистондан - халқаро «Шанкар» танлови ҳакамлари ҳайъатидан мактуб келди. Унда марказнинг тасвирий санъат тўғраги аъзоси, ўн тўрт ёшли Баҳриддин Шамсиддин «Ҳосил» манзарали сурати учун ушбу мамлакатда ўтказилган нуфузли танловнинг бу йилги қоли-

БАҲРИДДИН - «ШАНКАР» ТАНЛОВИ ҚОЛИБИ

би деб топилгани айтилган. - Ушбу мукофот мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва қобилиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг яна бир эътирофидир,- дейди марказ раиси С.Шодиева. - Бу соврин марказимизда ижод қилаётган болалар халқаро танловларда эришган қирқинчи юксак мукофот ҳисобланади. (ЎЗА).

ҲИКМАТ

Ҳамма вақт тўғри гапир, бемаъниликни даъво қилувчи бўлмагил, билмаган илмдан гапирмагил, бундай илмдан нон талаб қилма. Ҳар қандай талабинг бўлса, билган илм-маърифатингдан ҳосил бўлади. Билмаган илм-маърифатни биламан деб даъво қилсанг, ҳеч нарса бўлмайди ва бехуда заҳмат чекасан.

Сирдарё вилояти нафис санъат ижодий маркази раҳбари мусаввир Баҳодир Бобоназаровнинг чизган асарлари нафақат республикамизда, балки қўллаб-қувватлаш давлатларида ҳам ўз мухлисларига эга.

МУСАВВИР АСАРЛАРИ ЧЕТ ЭЛДА

У 1994 йил БМТнинг Ўзбекистондаги элчихонасида, 1995 йили Москва шаҳридаги МДХ, 1996 йили Париждаги, 1997 йили Покистондаги, 2000 йили Швейцария, Германия ва Туркиядаги кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этиб, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Шунингдек, Б.Бобоназаров Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи Давлат музейи ва чет эл меҳмонларини қабул қилиш уйининг безак ишларида фаол қатнашган. У яратган асарлар Тошкент шаҳридаги Амир Темур ва амалий санъат музейларида, Франциядаги шахсий галереяда ва шунингдек, Япония, Германия ва Англия давлатларидаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси Б.Бобоназаров бугунги кунда «Ҳаёт тарозуси», «Пушаймонлик» ва «Ҳаёт бешиги» асарлари устида шогирдлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Саид МИРЗО.



Саломатлигингиз ўз қўлингизда

ТИНИҚИБ УХЛАШ ХОСИЯТИ

Уйқу, туш кўриш ва уйқусизлик тадқиқотчилар диққатини кўпдан бери ўзига жалб этиб келмоқда. Уйқуда аввало мия дам олади, юрак фаолияти ва қон айланиши яхшиланади, нафас олиш ва бошқа аъзолар ҳаракати мўътадиллашади.

Уйқусизлик ёки уйқунинг бузилиши масаласи бугунги кунда ижтимоий муаммолардан бирига айланаётди. Инсоннинг кундалик маълумотларга бой фаолияти, бунинг натижасида асаб тизимининг зўриқиши, тунги иш жараёни, компьютер, телевизор, электр чироқлари нури остида узоқ ўтириш ва ишлаш, мусиқа ва кўча шовқини, вақтида дам олмаслик — буларнинг ҳаммаси уйқунинг бузилишига сабаб бўлади.

Уйқунинг бузилиши сабабларини олимлар икки турга бўладилади. Уйқусизликка биринчи сабаб — бош миёдаги уйқу келтирадиган айрим бўлақларнинг ялғиланиши, иккинчиси эса асабнинг толиқиши, чарчаш, асаб тизимининг функционал бузилиши, яъни неврозлардир. Тунги уйқунинг турли хил сабабларга кўра бузилиши, узоқ вақт ухлай олмаслик, бевақт уйғониш, уйқуда тез-тез безовта бўлиш инсон организмни қаттиқ чар-

чашга олиб келиб, уни тез қаритади. Одам бирор нарсадан қувониб кетганда, ваҳимага тушганда ёки кўрққанда ҳам уйқуси қочини кузатилади.

3. Ишингиз кўп бўлишига қарамай, бевосита уйқудан аввал асабни кўзгатадиган ёки толиқтирадиган ишларни ба- жарманг.

4. Доимо бир вақтнинг ўзида эртароқ уйқуга ётишга, эртароқ уйғонишга, тушки оқватдан кейин 15-20 дақиқа «кўз илиниши»га имкон беринг.

5. Уйқу келмаса, яхши- си ўриндан туриб, ўзингизга ёқадиган бирор қизиқроқ иш билан шуғулланинг, шунда чарчаб, уйқуга кетасиз.

6. Кечки оқватни уйқудан 2-2,5 соат аввал тановул қилинг. Ёғли, бад ҳазм оқват еманг. Спиртли ичимликлар, аччиқ чой, кофе ичманг, тамаки, нос чекманг.

7. Ярим ёки бир ош қошиқ асални (шакарни) бир пиёла иссиқ сувда (сутда) эритиб, ётишдан 1-1,5 соат аввал ичиш уйқунинг яхшилайди.

8. Тинчлантирувчи доривор ўтлар ваннаси ва дамламасини (қайнатмаси) қабул қилинг, сокин мусиқа эшитинг.

9. Уйқунинг бузилиши — депрессиянинг (тушкунликнинг) белгиси ҳисобланади. Агар шундай бўлса, шифокорнинг хузурига бориң.

10. Сурункали уйқусизлик хотиранинг пассивлиги, иш қобилиятининг камайишига олиб келишини унутманг.

11. Уйқу дориларини истеъмол қилишда эҳтиёт бўлинг, улар сизни дориларга берилувчан қилиб қўяди.

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент.

Биласизми?

ПЛУТОН — ЭНГ ОЛИС САЙЁРА

Кўёш системасидаги энг олис сайёра Плутон ҳисобланади. У Кўёшдан салкам 6 миллиард километр узоқликда жойлашган. Реактив самолётда (агар самолёт соати- га 2 минг километр тезлик билан учса) Плутонга 350 йилдагина етиш мумкин экан.

ВАЗН ВА ЕР АЙЛАНИШИ

60 тонналик тепловоз Москвадан Мурманскка келганида яна 60 килограммга оғирлашади. Одессга етганда эса 60 килограммга енгиллашади. Бундай ҳолат асосан Ернинг айланиши туфайлидир: экваторга яқинлашган сари вазн камаяди.

МОМАҚАЛДИРОҚ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Момақалдиरोқ асосан куннинг иккинчи ярмида — соат 13-14лардан бошлаб содир бўлади. Энг кучлилари эса бундан икки-уч соат кейин бошланади. Момақалдироқнинг давомийлиги 1 соат атрофида бўлади. Лекин тропиклар ва Кавказ тоғларида момақалдироқлар 12-13 соатлаб давом этади. Энг кўп момақалдироқлар Ява оролида содир бўлади. У ерда бир йилда 220 мартагача момақалдироқли кунлар кузатилади.

Муҳаббат ДАВРОН тайёрлади.

Футбол

ОСИЁДАН БЕШ ЖАМОА!

Япония, Жанубий Корея, Хитой, Саудия Арабистони ва ...

Албатта, бу ҳозирча тахмин, ўз майдонида ҳам (3:0) галаба қозонган эронликлар чемпионатга бериладиган йўлланма йўлида яна бир оғир тўсиқни ошиб ўтдилар.

Энди Эрон терма жамоаси Европа китъаси вакили билан икки ўйин ўтказиб, орани очди қилиб олиши керак. Тан олиш керак: Эрон Осие китъасининг энг кучли жамоаларидан бири. Қолаверса, у Францияда бўлиб ўтган сўнгги жаҳон чемпионати иштирокчиси. Агар омад кўзгатадиган бўлса, бу шак-шубҳасиз Осие футболни ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Чунки, шу пайтгача китъамиздан ҳеч қачон бир йўла беш жамоа Жаҳон чемпионатида қатнашмаган эди.

Эрон Осие китъасининг энг кучли жамоаларидан бири. Қолаверса, у Францияда бўлиб ўтган сўнгги жаҳон чемпионати иштирокчиси. Агар омад кўзгатадиган бўлса, бу шак-шубҳасиз Осие футболни ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Чунки, шу пайтгача китъамиздан ҳеч қачон бир йўла беш жамоа Жаҳон чемпионатида қатнашмаган эди.

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма таъриқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ